

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 декабрь куни янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларининг қурилишини бошлашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди. Тадбир якунида Ўзбекистон Президенти раъсий дастакни босиб, 42 та энергетика объектининг ишга туширилиши ҳамда навбатдаги 21 тасининг қурилиши бошланишига старт берди.

Қуйидаги QR код орқали мазкур тадбир тафсилотлари ҳамда давлатимиз раҳбарининг анжумандаги нутқи билан танишинг:



БАРҚАРОР ЭНЕРГЕТИКА – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАК САРИ ИШОНЧЛИ ҚАДАМИ



Таассурот

УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАР ОҒУШИДА

4 декабрь. Сирдарёда майин эпкин эсиб, ёмғир шивалай бошлади. Эл сўраган, тилаган ёмғир. Тупроқнинг, Ватаннинг бетакрор иси димоқларни яйратди. Губорлар кўтарилди. Ўтмишда дашт бўлган ерлар кўкисида кўтарилган баланд бинолар, созланган йўللар, йирик иншоотлар, саноат корхоналари, боғу роғлар, янги экилган ниҳоллар бу кунни олқишлаётгандек гўё. Илғор ташаббуслар, ғоялар бешиги бўлган Сирдарё воҳаси Президент ташрифи шарофати билан яна янги режалар ва янги истиқболга бағрини очди.

Истиқлолнинг ҳаётбахш нури воҳанинг ҳар қаричида жилоланиб туради. Юртбошимизнинг қутлуғ ташрифидан сўнг ҳар гал вилоят ҳаётида янада улкан ўзгаришлар рўй беради. Президентимиз эътиборни бу ердаги энг ўткир, энг муҳим муаммоларга қаратади. Уларни қандай ҳал қилиш чора-тадбирларини баён этади. Меҳнат фахрийси Зулхумор Солиева Оқолтин туманидаги чекка қишлоқда яшайди. Президент ташрифини диққат билан кузатаркан, яшаш жойи – «Мустақиллик» маҳалласида бўлган ўзгаришлар кўз ўнгидан ўтди. Маҳалла кўчалари юриб бўлмас ҳолда эди. Ёмғир ёғса, уйларнинг томларидан чакка ўтар, бинолар кўрмисиз, болалар ўйнаши учун ҳеч бир шароит йўқ эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва топшириғи билан қисқа вақт ичида ҳудуд қиёфаси мутлақо ўзгариб, замонавий кўринишга келтирилди. 16 та кўп қаватли уйнинг барчаси реконструкция қилинди. Бўш майдонлар кўкаламзорлаштирилди, ички йўللар асфальтланиб, янги лотоклар қурилди. «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» мезонлари асосида ҳудуд мутлақо ўзгариб, шаҳар қиёфасига кирди. Шундай. Вилоятнинг чекка-чекка қишлоқлари обод, кўркам бўлиб бораётган. «Сайхунобод тажрибаси» натижасида кўпчиликнинг ҳаёти ўзгарди. Президент топшириғи асосида бу тажриба бутун вилоят бўйлаб амалга оширилиб, умумий қиймати 229 млрд. сўм бўлган 7,5 минг микролойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Шунингдек, 2,3 мингта хонадонга 37 млрд. сўмлик қорамол, қўй, парранда ва асалари уялари тарқатилди, 25 млрд. сўм маблағ асосида 1100 та мини-иссиқхона барпо этилди. – Четга чиқиб ишлаб келсамми, деб юрардим, – дейди сайхунободлик Шав-

кат Нуралиев. – Ўзимизда яратилган кенг имкониятлар сабаб ҳаётим бутунлай ўзгарди. Кредит олиб, ҳовлимда гулчилик билан шуғуллана бошладим. Шунинг орқасидан рўзгоримизга барака кирди. Қўни-қўшилар, умуман, «Мустақиллик» маҳалласи аҳли ҳам шу соҳага қизиқиб қолишди. Ҳозир бутун маҳалла аҳли гул етиштириб, яхшигина даромадга эга бўляпти. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, олиб борилаётган ислохотлар натижаси барча вилоятлар қатори Сирдарёдаги улкан ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугун воҳа саноат, сервис ва туризм марказига айлانмоқда. Биргина Сирдарё туманининг ўзида жойлашган йирик корхоналар бунга мисол бўла олади. Бу ердаги «River Med Pharm» замонавий фармацевтика корхонасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган инфузион эритмаларнинг таъминан 20 фоизи ишлаб чиқарилади. Дори воситалари экспорт қилинаётгани корхонанинг халқаро рақобатбардошлигини кўрсатади. «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган «Invest Asia» корхонаси қадоқлаш махсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда етакчилардан ҳисобланади. Бу ерда 2,5 мингга яқин иш ўрни яратилган. Президентимиз корхонада амалга оширилаётган технология жараёнларни кўздан кечирди, ишчилар билан суҳбатлашди ҳамда вилоятда йирик лойиҳаларни амалга ошираётган ва янги ташаббуслар билан чиқаётган хорижий инвесторлар билан ҳам мулоқот ўтказди. Яхши сўз, яхши одамларнинг беморлар зиёратида бўлиши дорида ҳам кучли, дейишади донишмандлар. Гулистон шаҳри, «Тараққиёт» маҳалла-

сида жойлашган умумий овқатланиш шохобчаларидан бирида газ баллони портлаб, оқибатда 29 киши жароҳатланиб, шундан 26 нафари шифохонага ётқизилган, уч нафари вафот этганди. Президент шифохонага бориб, у ердигиларнинг холидан хабар олди. – Юртбошимизнинг ҳол сўраб, йўқлаб келгани ғамгин кўнгилларимизга далда бўлди, – дейди ходиса сабаб жабрланганлардан бири. – Берган таскинларидан руҳимиз кўтарилди. Вақт ажратиб, шифохонага келганликларини, ҳар биримиз учун қайғураётганликларидан, гапнинг очиги, кўзимга ёш келди. Одамийликларини ҳар биримизга сабоқ, ўрнак бўлди. Гулистон шаҳридаги «Бўстон» маҳалласи исми жисмига монанд. Кўп қаватли оқбадан бинолар, равон йўллар, обод кўчалар ҳудуд хуснига кўрк қўшган. – Маҳалламиз, айниқса, кейинги пайтларда янада гўзаллашди, – дейди шу ерда истиқомат қилувчи нуроний отахон Қўзибой Абдуллаев. – Кўп қаватли уйларнинг барчаси жорий таъмирланди, ташқи қисми базальт билан қопланди. Иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадида замонавий қозонхона ва иссиқлик тармоқлари қурилди. «Инсон қадрини учун» деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган ислохотлар эришилаётган барча ютуқларда ўз аксини топомқда. Илгари асосан қишлоқ хўжалигига боғланиб қолган бу заминда саноат, сервис, туризм йўлга қўйилди. Бизнес муҳити яхшиланиб, илғор тадбиркорлар синфи шаклланди. Минглаб савдо-сервис объектилари ташкил қилингани натижасида

хизматлар ҳажми 1,5 триллиондан 12 триллион сўмга ошди. Саккиз йилда Сирдарёга 4 миллиард доллар инвестиция киритилди. Бу даврда 187 та йирик қувватлар ишга тушди, 120 минг иш ўрни яратилди. 50 га яқин янги махсулот чиқариш йўлга қўйилиб, саноат ҳажми 4 триллиондан 25 триллион сўмга етди. Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида амалга оширилаётган ўзгаришларни эътироф этаркан, режаларга ҳам тўхталди. Келгуси йилда хитойлик ҳамкорлар билан автомобиль ишлаб чиқариш бўйича 122 миллион долларлик лойиҳа ишга туширилади. «Феруз» подстанциясининг қуввати икки қарра оширилади. Гулистон шаҳридан ўтувчи «Дўстлик» канали бўйидаги 67 гектар ерда йирик савдо-қўнгилочар мажмуа барпо этилади. Боёвут, Ховос, Мирзаобод ва Янгиерда паррандачилик кластери ташкил қилинади. Боёвутда «Султонхўвус» сув омбори қурилиши бошланади. Бир сўз билан айтганда, Сирдарёда келгуси фаровон ҳаёт учун кенг қўламли ишлар давом этади. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Бунёдкорлар Сирдарёнинг кўпмиллатли заҳматкаш халқидир. «Ҳеч шубҳасиз, сирдарёликларнинг бунёдкорлик, ташаббускорлик ва фидойилик фазилатларига таяниб, бу марраларга албатта эришамиз», деди мамлакатимиз раҳбари. Бу – юксак ишонч. Ишончни оқлаш эса, фаровон ҳаётга интилаётган ҳар бир кишининг виждон иши.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Сирдарёда уйғониш.
Ўтди қанча ғам-ташвиш.
Ўтди рутубатли қиш,
Сирдарёда уйғониш.
Қишга инқироз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Биз барчамиз – бир дарё,
Элу халқимиз – бир дарё.
Бизга шу тақдир дарё,
Она дарё, Сирдарё,
Халқ сенга қиёс бўлсин –
Уйғонишинг рост бўлсин.

Гоҳ биздан қочганларинг,
Мунг ютиб шошганларинг,
Мўл бўлиб тошганларинг –
Ризқ йўлин очганларинг.
Тўлғонишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Бу эл – менинг элимдир,
У менга муаллимдир.
Бу кун нажот – илмдир,
Таълим, таълим, таълимдир.
Эҳтиром, эъзоз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Уйлар қур, мактаблар қур,
Мақтаниб, мактаблар қур,
Қалбингга нақш айлаб қур,
Умрингни бахш айлаб қур,
Маърифат асос бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Ким бизнинг улуглардир –
Олам ҳам улуглайдир.
Элни нурга чулғайдир,
Қизларингни улғайтир.
Улғайишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Тўра Сулаймон бир ён,
Жўмла газалхон бир ён.
Ҳалима хушхон бир ён,
Мактаб – ижодхон бир ён.
Ҳар китоб – устоз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Гапим эмас енгил гап,
Ё шунчаки кўнгил гап,
Ҳар ука, ҳар сингилга,
Ҳар дил, ҳар бир кўнгилга,
Шундоқ илтимос бўлсин:
Уйғонишинг рост бўлсин.

Қалбим, сен ҳам кўп, қалққин,
Қарздорисан шу халқнинг.
Қарзин бажаргил халқнинг,
Фарзин бажаргил Ҳақнинг.
Куй-хонишинг рост бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Салкам қирқ миллён кўкрак
Ичра урар бир юрак.
Эл-юрт, миллат муштарак,
Уйғоқ юраклар керак.
Замон иқтибос бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Сирдарё, кенг жаҳонсан,
Уйғоқ кавну маконсан.
Бугун – буюк карвонсан,
Зўр карвонга сарбонсан,
Келажакка равонсан.
Эл-юрт сарафроз бўлсин,
Уйғонишинг рост бўлсин.

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

1 Тўра Сулаймон сатри

ВОҲА САНОАТ,
СЕРВИС ВА ТУРИЗМ
МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА


Президент
Шавкат Мирзиёевнинг
Сирдарё вилоятига
ташрифи тафсилот-
лари билан қуйидаги
QR код орқали
батафсил танишинг





Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 73-модда.



ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Андижон шаҳрининг «Мирлўстин» маҳалласида истиқомат қилувчи Гулзира Абдураимованинг нияти бор-йўғи замонавий тикув машинасига эга бўлиш. Бу гап айрим-ларга эриш туюлиши мумкин: «Тикув машинаси болалар ўйинчоғи каби арзон матоҳ бўлмаса-да, эплаб сотиб олса бўлади-ку?!».

Тўғри, кимдир бу ускунани бир деганда қўлга киритиши мумкин. Аммо турмушнинг минг турфа машаққатларига рўпара келган оилалар ҳам борки, аини тоифа вакилларига кўплар назар-писанд этмайдиган оддий буюм ҳам баъзан қўл етмас орзуга айланиб қолади.

Хуллас, Гулзирани ҳаёт турли қийинчиликлар билан синовдан ўтказди. Унинг тикувчиликдан хабари бор, шу ҳунари ортидан рўзгорини бутлашга ҳисса қўшмоқчи эди. Бироқ, боя айтилгани каби, иш қуролига етишиш масаласи ортга сурилаверди. Баъзи бировлар каби маҳаллий ҳокимлик идораларига бориб, ош сўрамади, нон сўрамади, балки хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан берилаётган имтиёздан фойдаланмоқчи – субсидия асосида тикув машинаси олмақчи бўлди. Мурожаати эса ҳадеганда ижобий яқун топавермади.

Юқоридаги масала ортидан югуриб юрган кезлари 1211 рақамли «Ишонч телефони» ҳақида эшитган эди.

Умид билан унга сим қоқди. Масъуллар Гулзирага қулоқ тутишди, мурожаати дахлдор идоралар ихтиёрига ҳавола этилиб, Республика комиссияси томонидан назоратга олинди.

Муаммонинг ечими кўп куттирмади. «Аёллар дафтари»нинг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш йўналиши доирасида аёлга ўзи орзулаган замонавий дастгоҳ – иккита тикув машинаси субсидия асосида тақдим этилди.

Шундай қилиб, Гулзира орзусига етишди. Икки машина ҳам унинг чеварлик қобилиятига қанот бағишлади. Энди у бир-биридан гўзал, бежирим, харидорғир кийим-кечаклар тикиб, рўзгорини бутлайди, ўз устида тинимсиз ишлайди. Ҳалол меҳнат қилиб, оёққа туршига бел боғлаган заҳматкаш аёлнинг қатъий нияти шундай.

Дилфуза ИСОМИДДИНОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Андижон вилояти кенгаши
етақчи мутахассиси

МУШКУЛИМНИ АРИТГАНЛАРГА РАҲМАТ!

Икки ўғил, икки қизимиз бор. Улар катта бўлгани сайин турмуш ўртоғимнинг топгани рўзгордаги харажатлардан ортмай қолди. Аксига олиб, мен ишизман.

Бир кунни нон ёпиб, борзда сотиш ҳақида ўйлаб қолдим. Таваккал қилиб, иш бошладим. Сендан ҳаракат – мендан баракат, деб бекиз айтишмас экан. Мана, тез орада буюртмачилар сони анча кўпайиб қолди. Фаолиятимни янада кенгайтирмоқчи бўлдим. Аммо қўлимда етарлича сармоя йўқ. Шу боис кредит олиш мақсадида «Траст-банк»нинг Термиз тумани филиалига мурожаат қилдим. Лекин ордан бир неча ой ўтса ҳамки, масъуллар аризамга тайинли жавоб беришмади. Банк билан уй

ўртасида сарсон бўлганим қолди, холос.

Таниш-билишлар маслаҳати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича фаолият юритувчи 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, ёрдам сўрадим.

Ниҳоят, тўрт ойда битмаган ишим, тўрт кунда ижобий ҳал бўлди. Менга 20 миллион сўм кредит ажратилди. Мушкулимни аритганларга раҳмат!

Назира ХЎЖАҚУЛОВА,
Термиз тумани

Тадбир

ФАОЛИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Давлатимиз раҳбарининг касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашуви ва 11 ноябрь – Касаба уюшмалари кўни муносабати билан йўллаган табриғи мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмасы Республика кенгаши ташаббуси билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тармоқ тизимида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари раислари ҳамда фаоллари учун уюштирилган ушбу тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойида белгиланган устувор вазифалар, уларнинг аҳамияти ва амалиётга татбиқ этишга доир вазифаларни тармоқ даражасида амалга ошириш ҳам муҳокама қилинди. Фаоллар ва раислар орқали устувор вазифаларнинг амалий қўлланишини таъминлаш, аъзоларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янги ижтимоий дастурлар ва берилган имтиёزلарни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди. Ходимларнинг ижтимоий

ҳимоясини кучайтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, касаба уюшмалари орқали тармоқда самарали фаолиятни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» мақоласи мазмун-моҳияти ҳужжатлар орқали фаоллар диққатига етказилган тадбир ходимларнинг касбий фаолиятида масъулият ва самарадорликни оширишда муҳим восита сифатида хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Ойбек ИСМОИЛОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология
ходимлари касаба уюшмасы
Республика кенгаши
раиси ўринбосари

Яшил макон

УСТОЗЛАР ҒАЙРАТИ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасы Учкўприк тумани кенгаши томонидан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «Устозлар касаба уюшмасы боғи» яратилди.

Тумандаги 1-мактаб ҳудудида бунёд этилган бу масканга иқлим шароитига мос манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, уларни парваришлаш учун масъул ходим бириктирилди. Шубҳасиз, келгусида ушбу жой ажиб бир қадамжого айланади.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи муносабати билан ҳар бир ҳудудда мана шундай боғлар барпо этилмоқда.

Ойбек МАВЛОНОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасы
Учкўприк тумани кенгаши раиси

КЎРКАМ БОҒЛАР ЯРАТАЙЛИК!

Касаба уюшмалари фаоллари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

– Вилоятимизда бу йилги кузги мавсумда 10 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш режалаштирилган эди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов. – Шу мақсадда Тойлоқ тумани «Боғизагон» маҳалласида 1 гектар майдонда «Касаба уюшмалари боғи» яратдик. Яқин йиллар ҳолда бу жойда сўлим хиёбонлар барпо этиб, турли тадбирлар ташкил этишни режалаштиряпмиз.

Нурилла ШАМСИЕВ

«ISHONCH»



Жамоатчилик назорати

ХОДИМЛАР ҲИМОЯСИ ХЎЖАКЎРСИНГА БАЖАРИЛАДИГАН ВАЗИФА ЭМАС

Навоий вилоятида меҳнат соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш, ходимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўрганишларда баъзи корхона ва ташкилотларда тизимли муаммолар борлиги маълум бўлди. Хусусан, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасы Республика кенгашига аъзо корхона ва ташкилотларда жамоатчилик назорати ўтказилганда, айрим корхоналарда энг муҳим меъёр – ходимларнинг мажбурий тиббий кўрикдан ўтказилиши умуман ташкил этилмагани аниқланди. Бу меҳнат хавфсизлиги ва инсон саломатлигига бевосита боғлиқ жиддий масалалар.

Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш учун иш берувчиларга ёзма кўрсатмалар берилди. Шундан сўнг камчиликлар тузатилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега айрим корхона ва ташкилотлар ўрганишдан сўнг ишлашни бошлайди? Ахир, ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шунчаки хўжакўрсинга бажариладиган вазифа эмас, аксинча, иш берувчиларнинг қонун олдидаги мажбурияти-ку?!

Бундай ҳолатлардан корхоналарда ички назорат тизими йўқ ёки суст, деган хулосага келиш мумкин. Аслида меҳнаткашлар фақат ўрганишлар жараёнларида эмас, балки ҳамиша, ҳамма вақт ҳимояда бўлиши шарт. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, дегани шу. Унинг ҳаётдаги ифодаси эса

муносиб ва хавфсиз меҳнат шароити, адолатли иш ҳақи, қонун такозо этган барча кафолатлардан эмин-эркин фойдаланишда намоён бўлади.

Шундай экан, ҳар бир иш берувчи мажбуриятини чуқур англаган ҳолда вазифасига масъулият билан ёндашиши зарур. Ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эришишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши
меҳнат техник инспектори

Касаба уюшмасы аралашгач...

Баъзида хусусий корхона ишчи-ходимлари меҳнат ҳуқуқларига оид муаммоларга дуч келганида ҳимоясиз қолаётгандек туюлади. Аслида ундай эмас. Чунки касаба уюшмалари ҳар қандай ҳолатда ҳам ходимни ёлғизлатиб қўймайди.

МУАММО ИЖОБИЙ ҲАЛ БЎЛДИ

Намангандаги «ТМТТЕХ» МЧЖ ишчиси Сайфулла Ибодиллаев иш вақтида бахтсиз ҳодисага йўлиқди – чап қўл бармоқларини дастгоҳ кесиб юборди. Шундан сўнг унга тегишли тартибда учинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланди.

Иш берувчи ходимга бир-йўла 54 миллион 145 минг сўм тоvon пули ҳамда ойма-ой 1 миллион 105 минг сўмдан тўлаб бориши лозим эди. Амалда бундай бўлмади. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши масъуллари иш юзасидан корхона раҳбариятига кўрсатма хати юборди. Аммо у ҳам эътибордан четда қолди.

Шундан сўнг С.Ибодиллаев тўловларни мажбурий тартибда ундириш ҳақида фуқаролик

ишлари бўйича Наманган туманлараро судига мурожаат қилди. Суд унинг даъвосини қаноатлантирди. Адолат қарор топиб, ходимнинг муаммоси ижобий ҳал этилишида кенгашнинг меҳнат техник инспектори Муҳаммаджон Қорабоев ҳамда меҳнат ҳуқуқ инспектори Баҳромжон Раҳимбердиевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Аслида ҳар бир иш берувчи ходимлар учун муносиб меҳнат шарт-шароитлари яратса, хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этса, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинад, ишга яхши ниятда келган ходим оиласи бағрига соғ-саломат қайтади.

Анваржон ҲАЛИМОВ

«ISHONCH»

Фаолият

Фахриддин Бойқулов кучли оғрикдан уйғониб кетди. Хонадаги тиббий ускуналарни ва беморлар билан гаплашаётган ҳамширани кўриб, шифохонада эканлигини англади. Сўнгра бу ерга қандай келиб қолганини эслай бошлади.

ИШОНЧ УСТУНИ

Ўша кунни ҳаво «эшакни ўлдирадиган» даражада совуқ эди. Фахриддин ҳам вазифасини бажариш, ҳам исиниш учун жонини жабборга бериб ишлаётганди. Кўтилмаганда ортга ҳаракатланган юк ортиш техникаси уни дарвоза устуни томон суриб кетди. Темирлар исканжасида қолган танаси бир лаҳзада мажақланиб, у ўша заҳоти ҳушини йўқотди...

Дорилар таъсириданми, яна ҳолсизланиб, кўзларини юмди. Аммо кўрикдан ўтказишга келган шифокорларнинг сўзлари элас-элас қулоғига чалинарди. Айтишларича, умуртқаси синган, ички аъзолари эзилган. Бу гаплардан сўнг яшаб кетишига ишончи йўқолди...

Қисқаси, Фахриддин тўшакка михланиб қолди. Аёли Дилафрўзга раҳмат, ёнидан жиммади. Хаста эр икки қизи ва ҳомиладор турмуш ўртоғининг келажагини ўйласа, кўрқиб кетарди. Устига-устак, буткул бировнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолгани учун қаттиқ куйинарди.

Тўғри, бир қарашда ишхонаси раҳбарияти уни ёлғизлатиб қўймади, даволаниш харажатларини кўтарди. Бироқ, аёлининг айтишича, у жанжал қилганидан кейингина ёрдам беришган. Бу гап ростга ўхшайди, чунки ҳамкасблари қарийб икки ойдан буён унинг ҳолидан хабар олишмаяпти. Даволанишни эса давом эттириши керак. Хўш, буёғи нима бўлади?

2022 йил 18 декабрда рўй берган бахтсиз ҳодиса жабрланувчининг умр йўлдоши Дилафрўз Бойқуловани буткул тушқунликка тушириб қўйди. Чунки ушбу қўнғилсизлик содир бўлгунга қадар умр йўлдошининг ҳимоясида хотиржам яшаётганди. Энди рўзгор юқини ўз елкасига олишига тўғри келади.

Кулфат баъзи инсонларнинг руҳини синдиради, айримларнинг эса иродасини мустаҳкамлайди. Дилафрўз билан ҳам шундай бўлди. Эрининг но-

чор аҳволи, болалари ҳақидаги ўйлари уни курашга руҳлантириб шекилли, ундан-бундан маслаҳат сўраб, умр йўлдошига етказилган зарарни ундиришга аҳд қилди. Аммо бу жараён осон кечмади, кўп идоралар эшиги олдида сарғайди. Қўмаклашиш ўрнига елка қисадиганларни, турли важлар билан «Йўқ!» дейдиганларни бир қарашда сезадиган бўлди. Охири иш судга бориб етди. Пул жиғардан бўлади, дейишгани рост экан. Турмуш ўртоғи ишлаган корхона масъуллари ҳуқуқшунослар кучи билан унинг талабларини рад этишнинг иложини топишди.

Шунда ҳам у ортга чекинмади. Қайта-қайта бўлиб ўтган судлардан сўнг моддий ва маънавий зарар сифатида аввал 36 миллион сўм, сўнг 80 миллион сўм ундиришнинг уддасидан чиқди. Унинг асосий қисмини Фахриддиннинг соғлиғини тиклашга сарфлади. Бироқ эрининг умри қисқа экан, икки ярим йиллик азоблардан сўнг вафот этди.

– Мен курашдан чарчагандим, лекин эримнинг касаллик варақаси асосида тўланадиган пуллар ҳали ундирилмаганди, – дейди Дилафрўз Бойқулова. – Шунда танишларимдан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига мурожаат қилишимни маслаҳат берди. Аризам жавобсиз қолмади, муаммони ўрганиш Кенгашнинг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Алишер Бурхановга топширилди. У ишга киришгани дарҳол сезилди, лекин мақсадга эришиш осон кечмади. Иш ҳудди илгаригидек бир қатор судларда кўрилди ва ниҳоят менга 64 миллион сўм ундириб берилди. Оддий фаррош бўлиб ишлаётганим боис бу маблағ оилам билан боғлиқ талай муаммоларни ҳал этишимга хизмат қилди. Бунинг учун тизим вакилларида, жумладан, Алишер Бурхановдан беҳад миннатдорман.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда касаба уюшмаларининг аралашуви билан 1215 нафар фуқаро фойдасига 2 миллиард 777 миллион 237 минг сўм миқдорида бир марта тўланадиган нафақа ва соғлиққа етказилган зарар пуллари ундириб берилган.

Алижон АБДУСАТТОРОВ

«ISHONCH»



Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат: қонунийлик; ихтиёрйлик; камситишга йўл қўймаслик; мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш; тенг ҳуқуқлилик; ошкоралик ва очиқлик.

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун, 5-модда.

Бундай тарихий суръатни сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим

Давлатимиз раҳбарининг «Янги Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган «Марказий Осиёё янги давр остонасида» сарлавҳали мақоласида минтақа давлатлари орасидаги дўстлик ва бирдамлик ҳар бир мамлакат учун барқарорлик, тинчлик ва ҳар томонлама та- раққиёт асосларидан бири экани аниқ далиллар билан чуқур таҳ- лил қилиб берилган.

олиб келиши, ноқонуний гуруҳлар- нинг фаолият юритиши, гиёҳванд моддалар етиштириш, ақидапа- растлик каби қўллаб муаммолар Марказий Осиёёдаги давлатларнинг ҳам тинчлиги ва барқарорлигига

миз мақоласида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Кейинги йилларда иқтисодий ҳамкорлик кенгайиши натижасида Марказий Осиёёдаги барча давлат- ларда ялпи ички маҳсулот ҳажми ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми қарийб икки мартага ошди. Масалан, Ўзбекистон 2016 йилда минтақадаги давлатлар бил- лан 2,4 миллиард доллар миқдо- рда товар айирбошлаган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилга келиб, 7,2 миллиард долларни ташкил қилди. Қолаверса, қардош мамлакатлар тадбиркорлари билан қўшма корхо- наларнинг барпо этилиши кўпаяёт- гани минтақада ягона тадбиркор- лик муҳити юзага келатганидан дарак беради.

15-16 ноябрь кунлари Тош- кент шаҳрида бўлиб ўт- ган Марказий Осиёё дав- латлари раҳбарларининг VII Маслаҳат учрашувида Президентимиз муҳим тақлифларни илгари сурди. Яъни, ўзаро савдо айланима- ларини 1,5 дан 2 баробар- гача ошириш имконияти борлигини эътироф этиб, минтақа давлатлари ўр- тасида 2035 йилгача бўл- ган савдо-иқтисодий ҳам- корликнинг минтақавий дастурини қабул қилиш, ягона инвестицион макон тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқиш, электрон тижоратни биргаликда ривожлантириш масала- ларини ўртага ташлади. Шунинг алоҳида таъкид- лаш жоизки, Президентимиз 2023 йил Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган бе- шинчи Маслаҳат учрашу- вига ҳам минтақадаги дав- латлар ўртасида ўзаро сав- дони эркинлаштиришга оид масалани кўтарган эди.

Мақолада Афғонистон билан боғлиқ масалаларни ҳал этмай ту- риб, минтақавий барқарорликни таъминлаб бўлмаслик алоҳида таъ- кидланган. Дарҳақиқат, Ўзбекис- тон мустақилликка эришган кунидан бошлаб, Афғон муаммосини доллар масала сифатида қўтариб келган. Афғонистонда деярли қирқ йилдан буён ички низоларнинг авж



хавф солади. «Қўшининг тинч – сен тинч», деб бежиз айтилмаган. Умуман олганда, давлатимиз раҳбари Афғонистон масаласини ҳар бир Маслаҳат учрашувига кўта- риб келган. Тошкентдаги еттинчи Маслаҳат учрашувига ҳам «Термиз – Мозори Шариф – Қобул – Пеша- вор» темирйўл лойиҳаси, Афғонис- тон орқали ўтадиган энергетика лойиҳалари иштирокини давлатлар учун иқтисодий фойда келтири- шини таъкидлаб ўтди. Ушбу Маслаҳат учрашувига яна бир қувонарли ҳолат кузатилди. Озарбайжон Республикаси Марка- зий Осиёё давлатлари раҳбарлари- нинг Маслаҳат учрашувига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этишни тўғрисида қарор қабул қи- линди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёёдаги ҳамкорлик ва бирдамлик учрашув- дан учрашувга мустаҳкамланиб, ри- вожланиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай та- рихий суръатни сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Отабек МУСАЕВ,
Мадакент, спорт
ва туризм ходимлари
касаба уюшмаси Республика
кенгаши раиси

Дунё иқтисодиётида юз бераётган тизимли ўзгаришлар ва глобал хатарлар Марказий Осиёё мамла- катларини ақин ҳамкорликка чорлаётган муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Минтақа давлат- лари ўртасидаги бундай яқинлашув нафақат иқтисодий тараққиётни таъминлаш, балки хавфсизлик, ижтимоий барқарорлик ва инновацион ривожланишни рағбатлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

МИНТАҚА ЯНГИ ГЕОСИЁСИЙ МАРКАЗ СИФАТИДА ШАКЛЛАНМОҚДА

Президентимизнинг Тош- кентда бўлиб ўтган Марка- зий Осиёё давлатлари раҳ- барларининг навбатдаги Маслаҳат

Шу жиҳатдан мақолада Марказий Осиёё минтақаси – геосиёсий субъ- ект сифатида, шу билан бирга, ин- теграциянинг ички моделини яра- таётган ҳудуд ҳамда глобал барқа- рорликка таъсир кўрсатувчи макон сифатида талқин этилади.

Мақолада минтақавий сиёсий муҳит ва янги ҳамкорлик модели ҳам кенг очиб берилган. Унда сўнг- ги етти-саккиз йил ичида Мар- казий Осиёё давлатлари ўртасида шаклланган ишонч муҳити ҳамда мунтазам мулоқот асосий омил- лар сифатида таъкидланади. Бу жараёни илмий нуқтаи назардан «мулоқот дипломатияси» (dialogue diplomacy) деб баҳолаш мумкин. Ушбу ёндашув минтақадаги можа- роларни куч ишлатмасдан, музо- кара ва ишонч асосида ҳал этиш имконини берди.

Тахлилий асарда мазкур жара- ёнларнинг амалдаги кўринишлари сифатида бир қатор омиллар кўр- сатиб ўтилади. Мисол учун, дав- лат раҳбарларининг Маслаҳат уч- рашувлари институционал шакл олгани, чегара масалалари дипло- матик йўл билан ҳал этилгани, сув, транспорт ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилгани ана шундай сирасига ки- ритилади. Бу сиёсий модель Мар- казий Осиёёнинг «яхши қўшничи- лик макони» сифатида тиклани- шини таъминлади.

Мақоладан иқтисодий ривож- ланиш ва интеграция жараёнла- рининг таҳлили ҳам кенг ўрин ол- ган. Келтирилган иқтисодий маъ- лумотлар илмий нуқтаи назардан минтақадаги интеграция жараён- ларининг динамикасини яққол ифодалайди.

Хусусан, ЯИМнинг 2,5 баробар ўсиши, ўзаро савдо ҳажмининг икки баравар ошиши ва инвести- циялар ҳажмининг беш бараварга кўпайиши – бу минтақавий иқти- содийётнинг функционал бирлашув босқичига кирганидан далолат бе- ради, албатта.

Шу билан бирга, мақолада транспорт-коммуникация тизи- мини ривожлантириш, шу жумла- дан, Трансафғон йўлаги, Тошкент – Бишкек темир йўли, саноат ко- перацияси, «яшил иқтисодиёт» та- мойиллари, сув-энергетика ресурс- ларидан оқилона фойдаланиш ма- салалари илмий-амалий аҳамият касб этади.

Геосиёсий позиция ва халқаро муносабатларда Марказий Осиёё- нинг субъектлиги масалалари ҳам мақоладаги муҳим жиҳатлар- дан бири сифатида қамраб олин-

ган. Яъни бунда илгари сурилган муҳим тезислардан бири – Марка- зий Осиёёнинг халқаро муносабат- лардаги янги роли ва субъектив мақоми билан бевосита боғлиқ.

Геосиёсий нуқтаи назардан мин- тақа узок йиллар турли куч марказ- ларининг манфаатлар тўқнашув майдонига бўлиб келган. Энди эса у ташқи кучлар таъсирини мувоза- натлаштирувчи, мустақил сиёсий марказ сифатида шаклланмоқда. «Марказий Осиёё плюс» формат- лари минтақанинг халқаро субъект сифатида эътироф этилаётганини исботлайди. Бу тенденция неореа- листик ёндашув нуқтаи назаридан минтақада кўпқутбли барқарорлик моделининг шаклланаётганини кўрсатади.

Мақолада Афғонистон ва тинч- лик дипломатияси масалалари ҳам четда қолмаган. Афғонистон билан боғлиқ масалаларга нисбатан ил- гари сурилган ёндашув – минтақа- вий барқарорликнинг ажралмас қисми сифатида таҳлил этилади. Президентимиз Афғонистонни минтақадан ажратиш эмас, балки уни иқтисодий ва гуманитар жара- ёнларга жалб этиш орқали барқа- рорликка эришиш мумкинлигига тўғғалиб, Афғонистон «умумий минтақамизнинг бир чеккасида эмас, балки унинг табиий бир қисмидир», дея таъкидлади. Бу ён- дашув халқаро муносабатлардаги «позитив нейтраллик» ва «инклю- зив хавфсизлик» назарияларига мос келади.

Шу маънода, мақола Марка- зий Осиёё давлатларининг тинч- ликпарвар ташқи сиёсати ва мин- тақавий дипломатиянинг ин- сонпарвар моҳияти асосланган илмий позиция сифатида намоён бўлади. Юртбошимизнинг «Қўш- ничилик – хавф эмас, имконият», деган сўзлари минтақавий ҳам- жиҳатликнинг фалсафий ифодаси бўлиб, цивилизацион интеграция концепциясининг илмий асосини ташкил этади.

Умуман олганда, мақолани ўқи- ган киши, Марказий Осиёё ўз тақ- дирини ўзи белгилаётган, ўзаро ишонч ва ҳамжихатликка асослан- ган янги геосиёсий марказ сифа- тида шаклланмоқда, деган ҳуло- сага келади. Бу йўлдаги асосий ва- зифалар – тинчлик, барқарорлик, иқтисодий ҳамкорлик ва инсон фа- ровонлигидир.

Нигора АЛИМЖОНОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгаши раиси

КОНСТИТУЦИЯ – БАРЧА ҲУҚУҚЛАРИМИЗНИНГ АСОСИ

1992 йил 8 декабрь мустақил давлатимизнинг Бош қомуси кучга кирган кун сифа- тида тарих зарвақларига битилди. Шундан буён ушбу санани байрам сифатида катта тантана билан нишонлаб келмоқдамиз.

Хужжатда жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойиллари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва уни амалга ошириш қоидалари, асосийси, ҳар бир фуқаронинг давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари ўз ифодасини топ- ган.

Айниқса, янги тахрирдаги Конститу- циямизда инсоннинг шаъни ва қадр-қим- мати дахлсизлиги, унинг ҳуқуқлари ва қону- ний манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Янги тахрирдаги Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарор- лик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асо- ланган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йў- ларини кенг очиб берди», деб таъкидлаганди. Бу гап замирида гоят улугвор ҳақиқат ва мақ- садлар муҷассам.

Олиб борилган ислохотлар натижасида

кейинги йилларда давлат органлари ва мансаб- дор шахсларнинг жамоатчилик олдида ҳисобдор- лиги ортди. Бунда фуқаролик жамияти институт- ларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бе- рилганини ва уларга муносиб шарт-шароитлар яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумотларга қўра, айни пайтда нодав- лат нотижорат ташкилотлари сони олдингига нисбатан 40 фоизга ортган. Бу ушбу тузилма- ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақ- садида қабул қилинган ва амалиётга татбиқ этилган тегишли қонунлар ва ҳужжатлар на- тижасидир. Айниқса, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун, Президен- тининг 2021 йил 3 мартдаги «Нодавлат но- тижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркин- лиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳи- мoya қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда «2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Янги тахрирдаги Конституциямизда фуқа- ролик жамияти институтлари учун алоҳида боб ажратилди. Бир сўз билан айтганда, мамлақати- миз ҳар томонлама ривожланишида бундай ту- зилмаларнинг роли ва аҳамиятини тубдан оши- риш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш бўйича муҳим қадам ташланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Прези- дентимизнинг тегишли фармони билан но- давлат нотижорат ташкилотлар вакилларида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, унинг қўмиталари мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан ме- ханизмларини жорий қилиш, уларни амалиётда қўллаш юзасидан тақлифлар киритиш ваколати берилмоқда.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилот- лари ва фуқаролик жамиятининг бошқа инсти- тутларига давлат томонидан субсидиялар, грант- лар ажратиш ҳажмини икки баробарга ошириш

масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Қола- верса, Халқ депутатлари кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаро- лик жамиятининг бошқа институтларини қўл- лаб-қувватлаш жамоат фондларига ажратилаёт- ган маблағлар ҳажмини етти баробарга ошириш белгиланмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилот- лари миллий ассоциацияси томонидан «2021- 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривож- лантириш концепцияси»га асосан Давлат сиё- сати ва бошқаруви академиясида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларининг малакасини оширишга мўлжалланган махсус ўқувлар ташкил этилди. Шу кунга қадар 600 дан ортик ННТ раҳбарларининг билим ва кўникма- лари оширилди. Жорий йилда ҳам уларни уч босқичда ўқитиш режалаштирилган.

Махсус ўқув-режа асосида олиб бориладиган дарсларда ННТларнинг ижтимоий-сиёсий фа- оллигини кучайтириш, давлат идоралари би- лан ижтимоий шериклини ривожлантириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, молиявий барқарорликка эришиш, хорижий тажрибани ўрганиш каби муҳим маса- лаларга эътибор қаратилмоқда.

ННТларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфа- атларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекис- тон нодавлат нотижорат ташкилотлари мил- лий ассоциациясида «Экспертлар гуруҳи» таш- кил этилди. Унинг таркибига Ўзбекистон Рес- публикаси Адвокатлар палатаси, Демократия ва инсон ҳуқуқлари Республика жамоат бир- лашмаси ҳузуридаги Ҳақамлик суди, Ўзбекис- тон нотариал палатаси, Ўзбекистон истеъмол- чилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, «Мадад» ННТ, Ўзбекистон бухгал- терлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассо- циацияси ҳамда Психологлар ассоциацияси ва- киллари киририлиб, ўзаро ҳамкорликда ўқув семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиб келин- моқда.

Нафсиламрини айтганда, Бош қонунимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти мустаҳкамлаб қўйилгани натижасида уларнинг жамиятда тугган роли тобора ортиб, нуфузи янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Таҳлил



Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 76-моддасидан

Табиат ва биз

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, ТУТГАНИ МУҲИМ...



...Икки-уч йил муқаддам Саримой ҳудудидан ўтаётиб, қумга экилган, аммо қовжираб қолган арчаларни кўриб, «дод!» деб юборганмиз. Бунинг нималигини ҳалигача тушунолмайман, боқибегамликми, бераҳмлики, душманлики... Умуман, қумга арча экишдан бирон хайрли мақсад кўзлангани даргумон.

Хар йили «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси давомида миллионлаб кўчатлар экилади. Уларнинг аксарияти арчалар. Энди улар қаторига аллақандай бошқа турлар ҳам қўшилмоқда. Тўғриси, бунини мага қиёслашни билмайман.

«Экканингни ўрасан» дейди донолар. Мана ўрялгимиз ҳам: табиат кун сайин ифлосланмоқда. Чанг ва қум бўронлари, ҳавонинг кескин исиши, чўллашиш ва бошқа ҳолатлар тобора кўчаймоқда. Кимнингдир кўнглини овлаймиз ёки чўнтагини қаппайтирамиз, деб ўзимизни, халқимизни, она табиятини алдаб келганимиз натижаси эмасми бу?!

Йўл бўйларида янги кўчатлар ўтказилган майдонларни кўриб қувонамиз. Икки-уч ойдан сўнг эса ўша ерга пахта ё бошқа экин экилади. Баъзиларнинг ўрнида кўп қаватли уйлар қад ростлайди. Яшил бог-роғларни камдан-кам кўрамиз.

– Кўчат экишда иқлим ва сув шароити ҳисобга олинишни шарт. Акс ҳолда, сарфланган вақт, меҳнат ва маблағ исроф бўлади, – дейди эколог олим, Урганч давлат университети доценти Адамбой Машарипов. – Аслида дарахтни илм билан экиш керак. Фалон ҳудудга фалон хил ниҳол экиلسа, униб чиқади, деган аниқ прогност бўлиши мумкин.

Биз-чи, ниҳол экканда ўнг-чапга қараб ўтирмаймиз. Экиш керакми экиш керак, ҳисобот бериш керакми, керак, тамом-вассалом! Шунинг учун ҳам улар қуриб қолаверади. Қўравериб кўз қотадими, ниҳолларнинг қуришига мутасаддилар ачинмайди. Бўлмаса, бир хатони қайта-қайта такорламаган бўлишарди.

Биласиз, Хоразм шароитида ёз иссик ва қуруқ бўлади. Майдан сентябргача Урганч кўчаларида кундузлари пиеда юриш анча мушкул. Айникса, марказий кўчаларда бирпас ором олай, нафас ростлай десангиз, соя тополмайсиз. Маҳаллий дарахтлар кесилиб, уларнинг ўрнига нина баргли дарахтлар экилганидан аҳоли норози.

Хабарингиз бор, сентябрь ойида «Яшил макон» дастури ижроси муҳокама бўлганида, баҳорда экилган 137 миллион кўчатнинг 27,5 миллиони кўриб қолгани танқид қилинди. Дарахтни қузда экиш улушини ошириш зарурлиги таъкидланди. Бу йилги қузда 125 миллион туп дарахт ва буталар, баҳорда эса яна 75 миллион кўчат экиш режалаштирилди. Энг муҳими,

сугориш имкони бўлмаган жойларга кўчат ўтказмаслик талаби қўйилди.

Маълумотларга кўра, ҳудудда «Яшил макон» лойиҳаси доирасида 2024 йилда жами 17 миллион 303 минг туп меваги, манзарали дарахт ва бутта кўчатлари экилиб, жами 34,7 гектар майдонда «Яшил бог»лар ташкил этилган.

Ўтган йили 1-2 май кунлари давлатимиз раҳбарининг вилоятга ташрифи чоғида Хоразм гужумини кўпайтириш ўқтирилди.

Шундан буён уни барча туманларда экиш чоралари кўрилмақда.

– Шунингдек, Хоразм шароитига мос терак, тол, жийда, тўронгил каби дарахтлар иссиққа ҳам, совуққа ҳам чидамли, кам сув талаб қилади, тез ўсади, – дейди Адамбой Машарипов. – Нинабаргли ёки декоратив дарахтларнинг катта қисми маҳаллий иқлимда яшай олмайдилар. Улар алоҳида парвариш ва эътибор талаб қилади. Маҳаллий дарахтлар эса бунга мухтож эмас.

– Илгарилари аксарият уйлар ҳовлисида атрофига гужум экилган ҳовуз бўларди. Ёз ойлари у ердаги супа энг оромбахш маскан саналарди, – дейди шовотлик Қаримбой Дўсимов. – Маҳалла ва йўл бўйларида, дала четларида 10 миллион туп гужум экиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқилганидан, шунингдек, тут ва жийдани кўпайтириш мўлжалланганидан хурсандмиз. Кўчаларда ёш гужумлар кўпайгани кўзни қувонтиради.

Воҳа асрлар давомида Амударёнинг ҳаётбахш суви туфайли яшнаб келган. Бироқ кейинги ўн йилликларда глобал иссиқ, сугориладиган ерларнинг кўпайиши, чўлланиш жараёنлари тезлашиши ва атмосфера ҳароратининг кўтарилиши минтақада экологик мувозанатни жиддий равишда издан чиқармоқда. Бу эса нафақат кишлоқ ҳўжалиги, балки аҳоли саломатлиги, иқлим барқарорлиги ва келажақ авлоднинг турмуш даражасига ҳам бевосита таъсир қилмоқда.

Бундай шароитда ҳақиқий яшил белбоғ барпо этиш стратегик эҳтиёж сифатида кун тартибига чиқмоқда.

– Қорақалпоғистон ва Туркманистонга яқин ҳудудларда Қизилқум ва Қорақум таъсири кучли. Ёзда шамол кўтарган қум ва туз тўзони ҳосилдорлигини пасайтиради, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради. Агар яшил белбоғ барпо этилса, шамол тезлигини 30-40

фоизга камайтириши мумкин, – дейди Адамбой Машарипов. – Кейинги 20 йилда Хоразмда ўртача ёз ҳарорати 1,2-1,5 даражага кўтарилди. Дарахтлар етишмаслиги иссиқни янада кучайтирди. Яшил майдонлар эса «табиий кондиционер» вазифасини бажаради. Бундан ташқари, сув ресурслари қисқараётган шароитда сугориш тўғри режалаштирилиши, сувни тежайдиган ландшафтлар бунёд этилиши, иқлимга чидамли дарахтлар экилиши лозим. Яшил белбоғ сувдан унумли фойдаланиш ва экологик тизимни тиклашнинг асосий омилларидандир.

Мутахассислар фикрича, дарахтлар ҳаводаги чанг миқдорини 25-50 фоизга камайтиради, карбонад ангидрид ва турли зарарли моддаларни ютади. Бу аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. «Яшил белбоғ» лойиҳасига комплекс ёндашув зарур. Яшил ҳудудлар экологик туризм ва оилавий дам олиш учун жозибали маскан. Салқин, ҳавоси тоза, экологик хавфсиз муҳит одамларга ёқади.

Маълумки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини янада кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, ҳар йили 200 миллион туп дарахт экиш режалаштирилган. Мамлакатда яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Экилган ҳар бир дарахтни парвариш қилиш ва сугориш тизими жорий қилинади. Шунингдек, 1984 та яшил бог барпо этилади. Бундан ташқари, 112 та йирик sanoat корхонаси уч йил давомида 30 миллион туп кўчат экиб, ўзига қарашли ва туташ ҳудудларда «яшил белбоғ»лар яратлади.

Энг муҳими, бу тадбирларнинг виждонан амалга оширилишидир. Айни кунларда ҳудудларда «Яшил макон» лойиҳалари давом этмоқда. Бу ташаббусга қувват бўлиб, иқлимимизга мос, кам сув талаб қилади-ган, эртага соя ёки мева берадиган дарахт кўчатларини кўкариш имкони бор жойга экайлик. Меҳнатларимиз зое кетмасин. Фарзандларимиз ҳаётини ҳам хатарга қўймайлик. Дарахт экиб, уни парвариш қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Азалдан ота-боболаримиз дарахт экишнинг савобли амаллардан эканлигини таъкидлаб келишадилар. «Яшилдан бог қолади» дейдилар. Шу ўринда бир савол. Айтинг-чи, сиз умрингиз давомида неча дарахт экиндингиз? Уларнинг қанчаси униб ўсди? Бу йил қанча дарахт экмोकчисиз?

Муҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»

Долзарб мавзу

ФАРМАЦЕВТИКА: СОҲАДА БУТУНГИ ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?

ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Тиббиётга «эгиз» соҳа – фармацевтика дунё давлатларидаги сингари Ўзбекистон халқининг дори-дармон маҳсулотларига эҳтиёжи ва талабини ошириб бораётгани рост. Июнь ойи ҳолатига кўра, юртимизда 12134 та дорихона ишлаб турибди. Бу ҳар 3100 кишига биттадан тўғри келади. Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизими ходимлари билан ўтказган йиғилишида аҳоли даромадларининг каттагина улуши турли антибиотикларни харид қилишга сарфланаётганини афсус билан таъкидлади...

– Юртимизда дори воситалари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, фармацевтика бозорини халқроқ андозалар даражасига етказиш, соҳада тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Тоҳир Полванов. – Жорий йил 19 август куни қабул қилинган Президент фармони ва унга илова қилинган чора-тадбирлар режасида 2025-2028 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлар белгилаб берилди. Ушбу ҳужжат аҳолини халқроқ этироф этилган, самарадорлиги ва хавфсизлиги таъкидланган дори воситалари билан таъминлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини такомиллаштириш ҳамда дори воситалари айланмаси устидан назоратнинг замонавий тизимини йўлга қўйишга қаратилган.

Давр талабига кўра, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Тиббий жиҳозларни клиник синовдан ўтказиш тартибини ҳуқуқий асосда жорий этиш, дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасининг амал қилиш муддатини маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун ягона тартибда беш йил этиб белгилаш назарда тутиляпти. Гувоҳнома муддати тугаган ҳолларда препаратни 180 кун ичида мамлакатга киритиш имконияти яратилиши аҳолининг зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлашини кафолатлайди.

Фармацевтика тармоғида инфратузилмани ривожлантириш жараёнига қатъий киришилди. Президентимиз ташаббуси билан Зангитотада ташкил этилган «Tashkent Pharma Park» инновацион кластери таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштирган ягона майдонга айлантирилмоқда. Университет, илмий-тадқиқот марказлари ва замонавий лаборатория ташкил этилиб, юқори маъналик кадрлар тайёрлаш учун ил қадам ташланди. Биоэквивалентлик синовлари маркази эса женерик (асл дори воситаси каби фаол моддага эга маҳсулот) дори воситалари самарадорлигини халқроқ мезонга мувофиқ баҳолаш имкониятини яратди. Бироқ ҳамон қалбаки дори воситалари муомаласи, лицензия ва рўйхатдан ўтказишдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжуд. Уларга ечим сифатида рақамли маркировка тизими, лицензия ва сертификатлаш жараёнини «бир дарча» тамойили асосида электрон тарзда амалга ошириш чораси қўрилмоқда.

РЕИМБУРСАЦИЯ ДАСТУРИ ВА СЕРТИФИКАТ ЗАМИРИДА НИМА ЁТАДИ?

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан дорихона хизматини намунали ташкил этиш бўйича сўнги уч йилда бирмунча янгилıklar жорий этилди.

– Компаниямиз Ўзбекистон фармацевтика бозорига ўз ўрнига эга бўлган, улгуржи ва чакана савдо билан шўгулландувчи, бир асрдан ортиқ тарихий йўлни босиб ўтган йирик ташкилотлардан биридир, – дейди компания бошқарув расиси маслаҳатчиси Оқил Ҳожиметов. – Компаниямиз акциясида 61,7 фоиз давлат улуши бор. 2025 йил июнь ҳолатига кўра, компания тизимидаги ижтимоий дорихоналар сони 1510 тани ташкил этиб, шундан 1335 таси қўл тармоқли марказий, онлавий поликлиника, онлавий шифокор пунктларида жойлашган.

Хусусий дорихоналар компаниямиз тизимида эмас, мустақил фаолият юритади. Уларнинг фаолиятини Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тартибга солиб боради. Президентимизнинг 2024 йил 5 сентябрдаги «Давлат тиббий сўғуртаси механизмларини жорий этишга онд чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2 октябрдаги «Касалликларни амбулатор шароитда даволашда

дори воситалари харажатларини қоплаш бўйича реимбурсация дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ижроси таъминланмоқда. Реимбурсация дастури бўйича дастлабки тажриба-синов жараёни Сирдарё, кейинчалик Тошкент шаҳри ва ҳозирги вақтда Хоразм, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Компания ва унинг тизимидаги жамиятларга қарашли 400 дан ортиқ дорихона ва дорихона шохобчалари реимбурсация дастури асосида фаолият юритаётир. «Реимбурсация» харажати қоплаш дегани бўлиб, артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, қандли диабетнинг иккинчи тури, бронхиял астма ва ўпакнинг сурункали обструктив касалликлари билан оғриган беморлар учун 28 турдаги дорилар харажатини тўлаб бериш назарда тутилган. Бемор оилавий шифокор ёзган электрон рецетп асосида давлат тиббий сўғурта жамғармаси билан шартнома тузган дорихонадан дорини бепул олиши мумкин.

Жорий этилган яна бир янгилік – компания тизимидаги 800 дан ортиқ дорихонага «Зарур дорихона амалиёти» (GPP) сертификати берилди. Сифатли ва хавфсиз дори воситалари халқроқ даражадаги стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши, сақланиши, лаборатория экспертизаси ва клиник текширувдан ўтиши керак. Ривожланган давлатларда маҳсулотнинг бу талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида GxP концепцияси жорий этилган. Дунё амалиётидаги бу тажрибага Ўзбекистонда ҳам босқичма-босқич ўтилмоқда.

Аҳолига дорихона хизмати кўрсатишда камчилик-нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Баъзи дорихоналарда нарх юқори белгиланади, бу аҳоли норозилигини келтириб чиқаради. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, прокуратура органлари, рақобат қўмитаси томонидан ўтказилаётган рейд ва текширувларда унга барҳам берилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга онд қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан, 2025 йил 1 апрелдан бошлаб дори-дармон нархини тартибга солишнинг янги тартиби қучга кирди, яъни чекланган савдо устамаси фақат рецетп билан бериладиган дори воситаларига нисбатан таътиб этилмоқда.

ДОРИ ИСТЕЪМОЛИДА НИМА МУҲИМ?

– Замонавий тиббиётнинг асосий мақсади беморга самарали ва хавфсиз даволашни таъминлаш, яъни рационал фармакотерапия ўтказишдир, – дейди Тошкент тиббиёт академияси доценти Дилфуза Акбарова. – Бироқ клиник амалиётда бир хил тахис қўйилган беморга шифокорлар томонидан турли дориларни тавсия этиш ҳолатлари учраб туради. Бу индивидуал даволаш доим ҳам самара бермайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари барча давлатлар учун махсус клиник протокол ва стандарт ишлаб чиқишган. Унда ҳар бир касаллик учун энг самарали ва хавфсиз дори турлари, дозаси ва даволаш муддати кўрсатиб қўйилади. Зотилжам, қандли диабет, артериал гипертензия, гастрит, дизентерия каби кўп учрайдиган касалликларда қайси дорини қўллаш мумкинлиги ўша стандартда акс этган. Болалар, ҳомилдор аёллар ва кесалар учун дори шаклини танлаш бўйича ЖССТ махсус йўриқномаси ишлаб чиқилган ва ўзига хос талаблар белгиланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳам турли касалликларга тааллуқли «Миллий клиник протокол» ва «Даволаш стандарти» жорий этилди. Унга ходимлар риюя қилишлари мажбурий бўлиб, бу турли ёндашувларни чеклаб, ягона стандартни таъминлайди. Дори воситаларини тўғри ва оқилона қўллаш нафақат шифокор, балки бемор тиббий маданияти ва масъулиятига ҳам боғлиқ.

Ҳа, энг катта бу бойлигининг асраб-авайлаш ўз қўлимизда. Шундай яшайликки, дори-дармон истеъмоли эмас, балки фаол жисмоний ҳаракат, рационал овқатланиш, шахсий гигиена, тўғри дам олиш, яшаш, ўқини, меҳнат учун мақбул шароитга эга бўлиш устувор аҳамият касб этсин!

Ҳулқар Тўйманова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Олмаҳон Ҳайитова ижросида

«Онам дерман» қўшиғи

Бу оламда улуг зот ким, Десанг, доим онам дерман. Ҳаётим устун синмас, Мададкорим онам дерман.

Ёнғин МНРЗО шэри



MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetlari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALME'NOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoghimis SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinborsari), Mehriiddin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalp'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA, Ulmida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosilishga topshirish vaqti – 22:00 Topshirildi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: Ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 070 ta

Shundan: 6 073 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi «Erduli» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma G-1211

1 2 3 4 5 6